

УДК: 9:433:94

XX АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЭМИГРАЦИЯНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

bmamarajabov@dpi.uz

АННОТАЦИЯ

Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўрта Осиё халқларининг фаол миграцияси кузатилган бироқ минтақа халқлари тарихининг мазкур масаласи ҳали ҳамон маҳаллий тарихчи олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмаган. Бу мавзуда хорижда амалга оширилган тадқиқотлар эса турли мафкуравий қарашлар сабаб ўқувчилар учун ҳолис ахбаротни бера олмайди. Мазкур мақолада Ўрта Осиё халқлари миграциясининг зарб ва маҳаллий тарихчи олимлар томонидан ўрганилишининг тарихшунослик таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: мафкуравий ёндашув, миллий қизиқишлар, маданий ўзига ҳослик, миллий ўзига ҳослик, интеграция, маданий бегоналашув.

ИСТОРИОГРАФИЯ ЭМИГРАЦИИ НОВОАЗИЙСКИХ НАРОДОВ В ПЕРВОЙ ЧЕТВЕРТИ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В результате колониальной политики Российской империи наблюдалось активное переселение народов Средней Азии, однако этот вопрос истории народов региона еще не до конца изучен местными историками. Исследования, проводимые по этой теме за рубежом, не могут предоставить студентам объективную информацию из-за разных идеологических взглядов. В данной статье проводится историографически й анализ изучения миграции народов Средней Азии западными и местными историками. Ключевые интересы, культурная идентичность, интеграция, культурное отчуждение.

Ключевые слова: Идеологический подход, национальные интересы культурная идентичность, национальная идентичность, интеграция, культурное отчуждение.

HISTORIOGRAPHY OF EMIGRATION OF NEO ASIAN PEOPLE IN THE FIRST QUARTER OF THE 20TH CENTURY

ABSTRACT

As a result of the colonial policy of the Russian Empire, the active migration of the peoples of Central Asia was observed, but this issue of the history of the peoples of the region has not yet been fully studied by local historians. Researches conducted abroad on this topic cannot provide unbiased information for students due to different ideological views. In this article, a historiographical analysis of the study of the migration of Central Asian peoples by Western and local historians is carried out.

Key words: *ideological approach, national interests, cultural identity, national identity, integration, cultural alienation.*

КИРИШ

XX асрнинг дастлабки учдан бир қисми Марказий Осиё халқлари тарихида энг кўп одамлар қурбон берилган, муҳожир бўлган, ҳалок бўлган, уйларини ташлаб кетган, мамлакатни мажбуран тарк этган, ҳар бир ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва туркманлар учун муқаддас оила ришталари узилиши энг кўп кузатилган бир давр бўлди. 1917 йилги давлат тўнтариши сабаб вужудга келган муҳожирлик тўлқинлари натижасида кўшни мамлакатларда Марказий Осиё халқлари диаспоралари вужудга келди.

Диаспора келиб чиқиш мамлакати айни бўлган кишиларнинг тарихий ватандан ташқарида юзага келган гуруҳидир. Одатда диаспора беқарор ва вақти чекланган тоифадир. Уни бориб жойлашган мамлакатида интеграция ёки чиқиб кетган мамлакатига қайтиш (яъни реэмиграция) кутади. Мабодо ўша муҳожирларни қабул қилган мамлакатнинг жуғрофий муҳити, одатлари ва дини улар чиқиб кетган мамлакатникидан деярли фарқ қилмаса, интеграция осон кечади. Шунинг учун тожиклар ва туркий халқлар Афғонистон ва Туркия жамиятига миллий-маданий ўзига хослигига унчалик таҳдид туғилмаган ҳолда интеграциялашди.

Марказий Осиё халқларининг ўзлари мансуб бўлган тарихий маданий макондан ташқарида бошлаган янги ҳаёти ва унинг барча тавсилотлари, бор мураккабликлари ҳамда кузатилган оқибатлари минтақа тарихшунослари эътиборига яқиндан бошлаб сабаб бўлаётган бўлсада, бу жараёнлар ғарб тарихшунослигида атрофлича ўрганилган ва катта илмий тадқиқотлар учун мавзу бўлган. Шундан келиб чиқиб биз Марказий Осиё халқларининг XIX аср охири XX аср бошларидаги миграцияси тарихини ўрганиш мақсадида олиб

борилган тадқиқотларни икки гуруҳда, ғарб ва маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган тадқиқотлар деб таснифлашимиз мумкин.

Мавзунинг ғарб тарихшунослигида ўрганилиши:

Россия империясининг жанубидаги чегара худудларида яшовчи халқларнинг тарихи, этнографияси ва социологияси европаликлар томонидан чуқур ўрганилган. XIX аср охири XX аср бошларида мазкур минтақанинг геосиёсий аҳамияти ошиб борар экан, мустамлакачилик мақсадларида бўлган империялар ўз стратегик мақсадлари учун минтақа халқларини тадқиқ қила бошлади. Ғарблик тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида Ўрта Осиёга чегарадош Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон ва қисман Шарқий Хитойда Ўрта Осиёдан муҳожир бўлиб келиб янги жамоаларни ташкил қилаётган гуруҳлар аниқланган. Ўрта Осиёлик муҳожирлар ҳақида биринчилардан бўлиб 1920 йилларда Шинжонда тадқиқотлар олиб борган Оуэн Лэттимор ёзган. Лэттимор минтақанинг ғайриоддий хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлган Ўрта Осиёнинг ўзига хос хусусиятини биринчи бўлиб аниқлаган. У, 1940 йилларда минтақанинг мураккаб сиёсий ривожланишини белгиловчи кўплаб кўринадиган ва кўринмас чегаралар борлиги ҳақида ёзиб уларни шартли равишда қуйидагича таснифлайди, хусусан:

- Маданий ва тил чегаралари (бу ерда турклар, хитойлар, мўғуллар, эронлар, афғонлар, тибетлар яшайди);
- Диний (ислом, буддизм, шаманлик, конфуцийлик);
- Сиёсий (мустақил, ярим мустақил давлатлар, мустамлакалар, монархиялар);
- Цивилизация (саноатлашган СССР, тез ўзгариб бораётган кўчманчи ва чорвачилик билан шуғулланувчи Мўғулистон, Хитойнинг қадимги қишлоқ хўжалиги ва бошқалар).

Буларнинг барчаси Латтиморга ушбу минтақани “Осиёнинг ўзаги”, янги жаҳон тортишиш маркази – “Хитой, Россия, Ҳиндистон ва мусулмон Яқин Шарқидаги сиёсий оқимлар тўқнашадиган гирдоб” деб аташга асос берди¹. Ўшандан бери кўп йиллар ўтган ва СССР энди мавжуд бўлмасида, Латтиморнинг Ўрта Осиё “Осиёнинг ўзаги” эканлиги ҳақидаги фикрининг тўғрилигига шубҳа қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Инқилоб ва фуқаролар уруши даврида Ғарбнинг Марказий Осиёга бўлган қизиқиши Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда хизмат қилган собиқ Британия ҳарбий офицерлари, дипломатлари ва разведка зобитлари томонидан қўллаб-

¹ Owen Lattimore, *Inner Asian Frontiers of China* -New York: American Geographical Society - Boston: Beacon, 1967. Pp 13.

қувватланган. Булар Эссертон, Бейли, Малессон, Скрин ва бошқалар.² 1940 йиллар охирида Британия империяси парчаланиб кетганидан сўнг нафақага чиққанган собиқ зобитлар ва давлат мулозимлари ўз хотираларини ёзишни бошладилар ва “Марказий Осиёни ўрганиш марказлари” йиғилишларида ўзларининг кузатиш натижаларини эълон қилиб бордилар. Улар Британия ҳукуматининг Марказий Осиёдаги сиёсати ҳақида кўплаб очиқ эътирофлар қолдирган. Уларнинг асарлари Совуқ уруш даврида ёзилган ва шунинг учун сиёсий жиҳатдан кескин, радикал анти-большевизм позициясидан ва соф субъектив нуқтаи назардан иборат.

Россияда бошланган фуқаролар уруши охирига бориб вазиятнинг ўзгариши, швед, немис ва ҳатто япон саёҳатчилари ва тадқиқотчиларининг Ғарбий Хитой ва Афғонистоннинг қўшни ҳудудларига кириб келишига ва кўплаб илмий адабиётларни яратиш имкониятига эга бўлишига олиб келди. Ўрта Осиё халқларининг мазкур даврдаги тарихини ўрганишда ғарб антрополог ва этнографларининг асарлари қимматлидир. 1930 йилларда Швециялик дипломат ва олим Гунара Яррингнинг Афғонистон ўзбеклари (ирредентлар ва эмигрантлар) ҳақида бир қатор мақолалари чоп этилди. Унинг бу мавзудаги соф этнографик асарлари Ғарб тадқиқотчиларининг кейинги тадқиқотлари учун асос бўлди.³

Умуман олганда, минтақанинг сиёсий тарихи ижтимоий-маданий тарихдан кўра ғарб тадқиқотчиларининг эътиборини кўпроқ тортди. Бу борада ХХ асрнинг 20 йиллари Марказий Осиёдаги воқеалари иштирокчиси бўлган Георгий Агабеков томонидан ёзилган “Чекист эслатмалари” ва “ЧК ишда” номли китобларни эслатиб ўтишимиз мумкин. Бу Совуқ уруш даврида “советологлар” деб номланган бир неча авлодлар учун қимматли манба бўлган. Агабековнинг ўзи Туркфронт ЧКнинг оператив ходими бўлиб ишлаган (1922-1924). Шунингдек, Агабеков ОГПУ (давлат сиёсий бошқаруви бирлашмаси) нинг чет эл (разведка) бўлими ходими сифатида (1924-1929) Афғонистон ва Эронда ОГПУ резиденти бўлган. 1930 йилда у тақиблар натижасида Ғарбга қочиб кетган⁴.

² Etherton P.F. In the Heart of Asia - London, 1925; Bailey, Lt.-Frederic M, Mission to Tashkent - London, 1946; Он же, In Russian Turkestan Under the Bolsheviks // Journal of the Royal Central Asian Society 8, pt.1(1921); Malleeson, Sir Wilfred, "The British Military Mission to Turkestan, 1918-1920 // Journal of the Royal Central Asian Society. Vol. 9, pt.2 (1922):96-110. Skrine C. P. Chinese Central Asia - Boston & New York: Houghton Mifflin Company, 1926. (1988)

³ Jarring Gunnar. "The New Afghanistan // Svenska Orientsallskapetets Arsbok. Stockholm: Borkforlags Aktieboleget Thule, 1937-131-145.

⁴ Агабеков Г. ГПУ. Записки чекиста- Берлин, 1930; Агабеков Г. ЧК за работой - Москва: Книга, милосердие, просвещение, 1992.

Совуқ урушнинг якуний босқичида СССРда ислом тарихига ихтисослашган энг кўзга кўринган советшунос олимлардан бири Александр Беннингсен (Россиядан келган муҳожир) Ўрта Осиёнинг чегара ҳудудларидаги муҳожирлар муаммосига бошқа томондан ёндашди. У СССР жанубидаги халқларнинг катта қисми унинг чегараларидан ташқарида - Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам яшашига эътибор қаратди. Совет Шарқи халқлари, дейди у, фақат расмий маъмурий мақомга эга бўлиб, уларнинг сиёсий ва маданий ҳаёти руслар назорати остида эди. Муаллиф Совет ҳукуматининг хориждаги ватандошларга нисбатан ижобий давлат сиёсати юритмаганига асосланиб, биз “миллат” деб ҳисоблашга одатланган нарсаларнинг нисбийлигини кўрсатиб, “миллат”нинг мавжудлигини шубҳа остига қўйди. У, ўз фикрини Ўрта Осиёнинг совет қисмидаги халқларнинг ўзлари мансуб бўлган тарихий ватанларидан ташқарида яшаб келаётганлиги билан изоҳлайди⁵.

Беннингсен ташаббуси билан Ғарбнинг илмий ва сиёсий доираларида Ўрта Осиё мусулмонлари совет тузумининг “Ахиллес товони” эканлиги ва Совет империясининг қулашини айнан улар бошлаган, деган фикр айлана бошлади. Совет Ўрта Осиёси ўрнида ягона туркий-ислом давлатининг ташкил топиши тўғрисидаги назария ҳам унга тегишли эди бироқ Беннингсен ҳамма нарсада ҳақ эмас эди. Хусусан, бу СССРни ағдаришда Марказий Осиё мусулмонлари асосий рол ўйнаши ҳақидаги башоратга тааллуқлидир. Аксинча, улар узоқ вақт давомида “ўз она республикаларида коммунистик бошқарувни давом эттиришни қўллаб-қувватладилар”.⁶ Бироқ унинг ижоди собиқ СССРнинг жанубий чеккаларидаги чегарадош халқлар ҳақида бир қанча тарихшунослик, этнографик ва антропологик тадқиқотларга сабаб бўлди. Айнан Беннингсен ташаббуси билан 1970 йилларнинг ўрталарида, Совуқ уруш авжида “СССР жанубий чегараларининг ҳар икки томонида жойлашган Марказий Осиё халқлари” мавзусини жадал ривожлантириш бошланди. Унинг изидан борган тадқиқотчилар турли мамлакатларда яшовчи тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар ва минтақанинг бошқа халқларини солиштиришга киришдилар. Бу туркумга Н. Шаҳроний ва И.Набийнинг Афғонистон қирғизлари ва ўзбеклари ҳақидаги, Г. Лаяснинг қозоқлар ҳақидаги⁷ ва бошқа бир қанча асарларини киритиш мумкин. 1976 йилда америкалик этнограф Одри Шалинский Афғонистон ўзбекларини ўрганишга киришар экан у, “советлашган” ҳамкасбларини яхшироқ тушуниш учун тадқиқотларини афғонлар

⁵ Benningsen Alexandre and Broxup Mary. The Islamic Threat to the Soviet State - London and Canberra:Croom Helm Ltd. Pp. 111.

⁶ Shahrani M. N., Central Asia and the Challenge of the Soviet Legacy // Central Asia Survey. Vol. 12, no.2 (1993). P 123.

⁷ Lias, Godfrey. Kazak Exodus - London: Evans Brothers Ltd.

этнографиясини ўрганишдан бошлаганлигини айтади. Шалинский 1980 йиллардаги Совет-Афгон уруши пайтида ва ундан кейин Афғонистондан Покистонга қочиб ўтган Ўрта Осиёдан бўлган муҳожирларни ўрганиш билан шуғулланган. Унинг узок йиллик изланишлари “Узоқ йиллар сургунда: Афғонистон ва Покистондаги марказий осийлик қочқинлар” китобининг нашр этилиши билан яқунланди.⁸ Муаллиф ўзининг 1970 йилларнинг иккинчи ярми ва 1990 йилларда ўтказган дала тадқиқотлари материалларини таҳлил қилади. Шимолий Афғонистон ва Покистонда Фарғона водийсидан келган муҳожирлар орасида. Ижтимоий-тарихий омилларга асосланиб, олим Марказий Осиёдан келган қочқинларнинг икки тўлкинини аниқлайди, хусусан: 1) 1917-1928 йиллар; 2) 1928-1939 йиллар ва уларнинг ҳар бирига қисқача тавсиф беради.

Биринчи тўлқин босмачи тарафдорларини, камбағал деҳқонларни ва очарчилик қурбонларини Афғонистон ва Хитой Туркистонига олиб келди, деб ҳисоблайди О. Шалинский. Иккинчи тўлқин кўпроқ урбанизациялашган аҳолидан иборат эди, ўз сўзлари билан айтганда, улар коллективлаштириш пайтида диний зулмдан қочганлар. Янада аниқлаштириб кўрсатадиган бўлсак, биринчи тўлқин асосан инқилоб ва фуқаролар урушидан қочқинлардан иборат бўлса, иккинчи тўлқин Совет ҳокимияти сиёсатига рози бўлмаган эмигрантларни олиб келди.

Бу муаммо Совет кўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши йилларида (1979-1989) алоҳида миқёс олди. Афғон-ўзбек миллатига мансуб америкалик антрополог доктор Назиф Шаҳроний ўз туғилган ватани Афғонистоннинг Бадахшон қирғиз ва тожик-вахон халқларини ўрганган⁹. У ўз эътиборини ушбу этник гуруҳларнинг совет ҳамкасблари билан алоқаларини ёпадиган чегараларга мослашиш механизминини ўрганишга қаратди. Ушбу муаллифларга кўшимча равишда профессор Эден Наби (Гарвард университети, АҚШ) кўрсатилган муаммога бир қатор нашрларни бағишлаган¹⁰.

Фарб тарихчилари орасида инглиз тадқиқотчиси Гленда Фрейзернинг асарлари катта аҳамиятга эга. Унинг “Босмачи” китоби ва “Олимхон ва Бухоро амирининг 1920 йилда қулаши” мақоласи инглизларнинг *Central Asian Survey* (Ўрта Осиё таҳлилномаси) журналида чоп этилган¹¹. Гленда Фрейзернинг хизматлари шундан иборатки, у Ҳиндистон идораси ва Жамоат архиви омбори

⁸ Shalinsky A. Long Years of Exile: Central Asian Refugees in Afghanistan and Pakistan (Долгие годы в изгнании: среднеазиатские беженцы в Афганистане и Пакистане) - Lanham: University Press of America, 1994.

⁹ Shahrani M. N., The Kirghiz and Wakhi of Afghanistan - Seattle: University of Washington Press, 1979.

¹⁰ Naby Eden, The Uzbeks in Afghanistan // *Central Asia Survey* 3, no.1 (1984): 1-23.

¹¹ Fraser, Glenda, Haji Sami and the Turkestan Federation, 192-1923 // *Asia Affairs* 18, no.1 (Feb.1987): 11-21; Idem, Enver Pasha's Bid for Turkestan, 1920-1922// *Canadian Journal of History/Annales Canadiennes d'Histoire*, XXII (Aug.1988): 197-211.

(Лондон, Буюк Британия) архивларидан 20—30 йилларда Британия мустамлакачилик маъмуриятининг Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистондаги фаолияти тўғрисидаги шу пайтгача номаълум бўлган материалларни жалб қилган. Фрейзер муҳожирлик тарихини ўрганиш вазифасини ўз олдига қўймаган бўлсада, амир Олимхон бошчилигидаги Бухоро муҳожирлиги, Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш ҳаракатига инглизларнинг аралашувининг кўлами ва табиати ҳақида кўплаб материаллар берди.

Марказий Осиёнинг Афғонистонга эмиграциясига қизиққан замонавий ғарб тадқиқотчилари орасида Афғонистон тарихи ва этнографияси бўйича етакчи америкалик экспертлардан бири Назиф Шахронийни яна бир бор таъкидлаш лозим. У афғонларни ҳалокатли вазиятга олиб келган "паштун ҳукумати томонидан олиб борилаётган юз йиллик шахсийлаштирилган ички империализм сиёсатини" кескин танқид қилишга мойиллиги билан ажралиб туради.

Тарихий ва публицистик асарлар орасида инглиз журналисти ва ёзувчиси Питер Хопкиркнинг Британия разведка хизматларининг Марказий Осиё ва Хитойда инқилоб ва фуқаролар уруши йилларида қарши курашига бағишланган “Шарққа ўт қўйиш” китоблари алоҳида қизиқиш уйғотади¹². Муаллиф муҳим тарихий материаллардан - фотосуратлар, архив материалларидан, жумладан, юқорида қайд этилган Ҳиндистон идораси манбаларидан фойдаланган.

Мавзуга оид маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари:

Маҳаллий олимлар муҳожирлар тарихини тадқиқ қилишни ўтган асрнинг 90 йилларидан бошланди. Бу мавзу Ўзбекистон тарихини ёритишда янги йўналиш сифатида шаклланди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий сиёсий тарихини ўрганиб, сургун қилинганлар, қочқинликка мажбур бўлганлар ва ўз ватанларини тарк этганлар тақдирига бағишланган қатор мақолалар, номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрланди. Мустақиллик даврида пайдо бўлган ўзбек муҳожирларига бағишланган махсус асарларни бизнингча шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги маҳаллий мутахассисларнинг илмий мақолалари ва китобларидан иборат иккинчи гуруҳ эса Ўзбекистоннинг даврий нашрларида чоп этилган асарлар.

¹² Hopkirk P., *Setting the East Ablaze*- Oxford, 1986.

Хорижга чиқиб у ерда яшаб қолган муҳожирлар муаммоси Қ.Раджабов¹³, Р.Шамсиддинов¹⁴, С.Агзамходжаев¹⁵, Р.Абдуллаев¹⁶, Д. Зияева¹⁷, С.Шадманова¹⁸, А.Мамажонов¹⁹, А.Ерметов²⁰ ва бошқаларнинг тадқиқотларида у ёки бу даражада кўтарилди. Туркистонда бошқарув тузилмасининг ўзгариши, мавжуд бўлган анъанавий иқтисодий тузилманинг йўқ қилиниши туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширилиши натижасида миллий кадриятлар ва миллий маданиятга жиддий зарба бўлганлигини юқоридаги олимлар ўз тадқиқотларида миграциянинг асосий сабаб сифатида кўрсатган. Бироқ мазкур муаллифлар томонидан мавзуга доир яхлит тадқиқот тайёрланмади.

Санаб ўтилган муаллифларнинг тадқиқотларида, аввало, Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида монархия ҳокимиятининг афдариллиши, ер, сув, ҳамда миллий ҳудудий ислохотлар билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнлар ўрганилган. Муаллифлар минтақада содир бўлган кучли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар аҳоли эмиграциясига сабаб бўлган деб ҳисоблайди. Мустақиллик йилларида совет тузумининг репрессив сиёсатини очиб беришга қаратилган кўплаб мақолалар, очерклар, монографиялар, хотиралар тўпламлари ҳам нашр этилди, уларда муҳожирликнинг шаклланиш шарт-шароитлари сифатида болшевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва улар томонидан олиб борилган сиёсат ўрганилган.

Бу борада биринчилардан бўлиб Ш.Хайитов қатор илмий изланишлар олиб борди ва натижада мазкур соҳада илмий мактаб яратишга мувоффақ бўлди. Олимнинг бу борадаги ишлари шуниси билан ҳам аҳамиятлики, у ўзбек диаспорасини тадқиқ қилишнинг ўзига хос назарий-услубий муаммоларини

¹³ Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.): Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Ташкент, 1995; Его же. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дисс. Док. Истор. Наук. – Ташкент, 2005;

¹⁴ Шамсутдинов Р. “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун Ўрта Осиё республикалари мисолида. Тошкент, Шарқ 2003. 33 бет.

¹⁵ Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.): Автореф. Дисс. док.истор.наук. – Ташкент, 1996;

¹⁶ Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы.: Автореф. Дисс. док.истор.наук. – Ташкент, 1998;

¹⁷ Зияева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (Проблемы изучения истории восстания в 1916 года и движение «истиклолчилик» 1918-1924 гг.): Автореф. Дисс. док.истор.наук. – Ташкент, 1999;

¹⁸ Шадманова С.Б. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917-1924 гг. в немецкой и турецкой историографии.: Автореф. Дисс. док.истор.наук. – Ташкент, 2002;

¹⁹ Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар.: Тарих фанлари номзоди....дисс.автореф. – Андижон, 2005.

²⁰ Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йй.): Тарих фанлари номзоди....дисс.автореф. – Тошкент, 2006.

тизимлаштирди, мавзу йўналишлари ва сабабларни ўрганиш методологиясини ишлаб чиқди. Ш.Хайитов бугунга қадар дунёнинг 34 мамлакатдаги ўзбек муҳожирлари тарихини ўрганди.²¹ Олим ўзбеклар ва тожиклар эмиграцияси тарихий босқичларини даврлаштирди, хусусан бу жараённинг асосий босқичлари сифатида 1917-1924, 1925-1930 ва 1939-1945 йилларни кўрсатиши ва мазкур даврлаштиришни ишончли асослаб бериши кейинги тадқиқотчилар учун асос бўлиб хизмат қилди. Олимнинг хулосасига кўра, Туркистон муҳожиратининг шаклланиши тарихининг биринчи босқичи 1917-1924 йиллар деб ҳисобланади, уларнинг сафини асосан Қизил Армия ва Совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш қатнашчилари (истиклолчилар), хориждан сиёсий бошпана сўрашга мажбур бўлганлар ташкил этади. 1920-1930 йилларда эса ўзбек миграциясининг энг йирик тўлқини бўлиб, унинг сабаби ер-сув ислоҳоти, қишлоқ хўжалигини мажбурий коллективлаштириш – “мулкдан маҳрум қилиш” эди. Бу даврда қишлоқ аҳолисининг миграцияси кенг тус олди. 1923-1932 йилларда минглаб деҳқон ва чорвадорлар ўз ерларини ташлаб кетишди. Кўчманчилар орасида кўплаб аёллар ва вояга етмаган болалар бор эди. Совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсати, хотин-қизларни озод қилиш ва уларни жамият ҳаётига жалб этишга қаратилган Хужм юришлари, руҳонийлар ва миллий зиёлиларнинг таъқиб ва қатағонлари, 1930-1933 йилларда бошланган очарчилик, айниқса Фарғонада водийсида 30 йилларнинг ўрталаригача давом этган оммавий миграцияни кучайтирди. Ўзбек муҳожирлиги тарихининг янги босқичи Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ. Бу эмигрантлар гуруҳи фашистик асирлар натижасида пайдо бўлган.

Ш.Турдиев, Т.Қахҳор ва А.Шарафутдиновларнинг асарларида ўзбек муҳожирати муаммосига холисона қараш акс этади. Ш.Турдиев ўз тадқиқотларида XX асрнинг 20 йилларида ўз тарихий ватанларини тарк этиб кетишга мажбур бўлган ўзбекларнинг тақдирини ўрганади. Олимнинг илмий қизиқиши асосан Германияга таълим олиш учун борган талабаларнинг тақдирини ўрганишдан иборат бўлган деб айтиш мумкин. У, бирламчи манбаларга асосланиб, Германияга 70 нафардан ортиқ талабалар борлигини ва уларнинг учдан бир қисми Туркистонга қайтмаганлигини, улар Европанинг турли илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида илм-фан билан

²¹ Хайитов Ш.А. Ватан, Ватанпарвар, Ватанжудо. –Т.,1992;Его же. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. – Бухоро,2005; его же. Усмон Хўжа Пўлатхужаев – миллий истиклол курашчиси. – Бухоро,2007; его же. Муҳожирлик на шодлик, на гам...-Бухоро, 2008; его же автор. Ўзбек муҳожирликлги тарихи (1917-1991й.й.) – Т.,2008.Его же . История узбекской эмиграции XX века. Автореф. Дисс.док.ист.наук.-Т.,2009;Его же. Ватан меҳри. – Бухоро,2011;его же. Ўзбек муҳожирлигининг истиклол даври тарихшунослиги (1991-2011й.й.).- Андижон, 2011.

шуғулланишни давом эттириб, докторлик ва профессорлик даражасини олганликлари ҳақида ёзади.²²

Тоҳир Қаххор Туркияда яшаётган ўзбекларнинг босма нашрларини таҳлил қилар экан²³, 1975-1977 йилларда нашр этилган “Хур Туркистон учун” (“Озод Туркистон учун”) газетаси ҳақида батафсил маълумот беради. Истамбулда яшаб ижод қилган О.Шарафутдиновнинг тадқиқотлари асосан 1917-1918 йилларда армияга бошчилик қилган Мустафо Чўқайнинг таржимаи ҳолига бағишланган. “Туркистон мухторияти” (Туркистон мухторияти) ҳукумати ва унинг муҳожирликдаги кейинги фаолиятини (1918-1941) манбалар асосида чуқур тадқиқ қилган²⁴.

Ўрганилаётган муаммо тожикистонлик тарихчилар томонидан ҳам ёритилган²⁵. Айниқса, инқилобдан кейинги муҳожирлик тарихини тарихнавислик нуқтаи назаридан биринчи бўлиб кўриб чиққан К.Абдуллаев бугунги кунда ушбу муаммо тарихи бўйича халқаро илмий ҳамжамият томнидан энг кўп эътироф этилган олимдир. Унинг тадқиқотларида минтақа халқларининг Афғонистон, Эрон ва Шақий Туркистон ҳудудларига миграцияси ишончли манбаалар асосида яхши очиб берилган.

XX асрнинг 90 йилларида бир қатор тадқиқотларда АҚШ ва Саудия Арабистонида яшаётган ўзбеклар ҳақида маълумотлар берилди, уларнинг ҳаётини ўрганишга ҳаркатлар амалга оширилган. Бироқ шуни эътиборга олиш кеаркки, Саудия Арабистони ҳам АҚШ ҳам минтақа халқларининг биринчи муҳожирлик манзили бўлмаган, бу давлатларга ватандошларимизнинг кўчиб бориши XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган. С.Жалиловнинг²⁶ Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ўзбек муҳожирларининг сони, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, шунингдек, М.Шукурзоданинг²⁷ АҚШдаги ўзбеклар ҳаёти, уларнинг миллий бирлашмалари ва анъаналари ҳақидаги маълумотлари тўғрисидаги китобида келтирилган маълумотлар шу билан ажралиб туради. А. Қораевнинг²⁸ озарбайжон диаспораси,

²² Турдиев Ш. Улар Германияда укиган эдилар. – Тошкент: Академхизмат, 2006 (более 20-ти статей)

²³ Тоҳир Қаххор. Муҳожир туркистонликлар матбуоти//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992, 10 январь; Его же. Хур Туркистон учун. – Тошкент: Чулпон, 1994.

²⁴ Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари: Мустафо Чукай, Чшлпон, Отажон Хошим. – Тошкент: Фан, 1993; Его же. Мустафо Чукай (чизгилар)// Шарк юлдузи. – Тошкент, 1992. - №4. – Б. 47-64.

²⁵ Абдуллаев К.Н. Из истории послереволюционной эмиграции: к историографии проблемы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1990. - №4 – С.44-55; Его же. Бухарская послереволюционная эмиграция (к историографии проблемы) / Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы перспективы изучения. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 187-197.; «От Синьцзяна до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века». Душанбе: Ирфон, 2009.

²⁶ Жалилов С. Бухорийлар кассаси. (Мухорижират тарихидан лавхалар). – Тошкент, 2006;

²⁷ Мавлонов Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. – Тошкент: Фан, 2007.

²⁸ Караев А.А. Азербайджанская эмиграция 1920-1930 годов: культурологический аспект деятельности.: Автореф.дисс. ... канд.философ.наук. – Баку, 1991; Гашымова А.Т. Азербайджанское эмигранство в первой

Г.Мендикулованинг²⁹ хориждаги қозоқ диаспораси ҳақидаги тадқиқотлари ҳам мавжуд. Г.Аъзамованинг³⁰ диссертация иши ўзбекларнинг муҳожирликдаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларини ёритишга бағишланган. Бироқ, муаллиф ўз асаридан кўриб чиқилаётган мавзунинг моҳиятини тўлиқ очиб бермади ва ўзидан олдингиларнинг илмий хулосалари ва умумий мулоҳазаларидан фойдаланиш билан чекланди³¹.

Энг мунозаралиси иккинчи жаҳон уруши давридаги ўзбек фуқароларининг эмиграция муаммоси бўлиб, бу П.Воробеев, Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов, Қ.Раджабов, Ш.Хайтов, Ш.Шомуродовларнинг асарларида яққол намоён бўлади³². Қ.Қ.Раджабов асарларида Туркистон легионининг шаклланиши ва фаолиятининг айрим жиҳатлари кўриб чиқилиб, легион бошлиқлари – Вали Қаюмхон (1904-1993) ва Боймирза Хайит (1917-2006) фаолиятига эътибор қаратилган. Муаллиф ўз мақолаларидан бирида Боймирза Хайитнинг немис, инглиз, турк ва рус тилларида нашр этилган асарларининг Туркистон тарихини ўрганишдаги аҳамияти ва ролини таҳлил қилади ва баҳолайди. Гумболд университети (Берлин) тадқиқотчиси И.Шамуродов “Туркистон легиони” номли мақоласида кўплаб журнал, архив ва мемуар материалларидан, немис тадқиқотчиларининг асарларидан асл нусхада фойдаланган. У легионни яратиш учун асос Иккинчи Жаҳон уруши ва совет ҳарбий асирлари фашистик концлагерларга тушиб қолганлигини кўрсатади. Муаллиф легионнинг катталиги, легионерларнинг миллий таркиби, босма органи (“Миллий Туркистон”, “Миллий адабиёт”, “Янги Туркистон”), Туркистон миллий кўмитасининг фаолиятини кўрсатади. Конгресс, шунингдек, туркистонликларнинг фашистик СС таркибидаги иштироки (70 киши) ва бошқа муаммолар, юқоридаги фактларни саҳиҳ архив ҳужжатлари билан тасдиқлаш,

половине XX века (до конца 30-х годов): Автореф. дисс. ... канд. философии. наук. – Баку, 1992; Агзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы: Автореф. дисс. ... канд. Философии. наук. – Ташкент, 1995;

²⁹ Мендикулова Г.М. Исторические судьбы казахской диаспоры. – Алматы: Галым, 1997,

³⁰ Агзамова Г. Хориждаги узбеклар: ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари.: Фалсафа фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1996. – 116 в

³¹ Хайитов Ш., Собиров Н., Легай А. Хориждаги узбеклар. – Тошкент: Фан, 1992.

³² Воробьев П.П. Деятельность «Туркестанского легиона» в источниках в исторической литературе, опубликованной в Германии./ Узбекистан: страницы истории. – Ташкент: Фан, 1991. – С.53-55; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. «Туркистон легиони» нима? // Узбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон, 2004. – Б. 490-502. Ражабов Қ. Давлатова М. Туркистон легиони: уйдирма ва ҳақиқат// “Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида республика илмий-назарий анжумани материаллари. 2010. – Б.93-95. Ражабов Қ. Боймирза Хайит талқинида туркистон тарихи масалаларининг ёритилиши. Там же. Бухоро 2011. – Б. 115-118; Хайитов Ш.А.; Жалилова О.Р. Хориждаги ўзбекларнинг ҳалоскори ва мадақкори.Хайитов Ш.А., Элова Д.Д. Вали Қаюмхон шахсияти: тарихий ҳақиқат ва уйдирма// “Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзуида республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро-2014. Б.11-13, Б.98-101. Шомуродов И. Туркистон легиони// Турон тарихи, 2012 №6 – Б. 27-32; 2013 - №1 – Б. 25-28.

уларни Иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганган немис тадқиқотчилари маълумотлари билан солиштириш.

Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзининг “Абадий соғинчлар” хроника романида Россия империяси ва Совет ҳокимияти йилларида Афғонистон ва Туркияга ҳижрат қилган айрим ўзбек муҳожирларининг тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Акрамхон Тўра, Саид Маҳмуд Тўра, Насрулло Тўра, Хошим Шойқ ва бошқалар каби ўзбек ватандошларининг ҳаёт йўлини очиб беради. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар у ёки бу даражада аҳолининг кўчиб кетиши муаммосига тўхталиб ўтган. Ўзбек муҳожиратини ўрганишда узоқ йиллардан сўнг ўз ватанига қайтган собиқ ўзбек муҳожирларининг хотиралари ҳам катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда кечган миграциянинг тавсилотлари ғарб ва маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинаётган бўлсада, бироқ бу борада ҳали амалга оширилиши керак бўлган, ўз жавобини кутаётган масалалар кўп. XX асрнинг дастлабки 30 йилида Ўрта Осиёда кузатилган эмиграциянинг катта тўлқинлари ва улар келтириб чиқарган оқибатлар ҳақида биз юқорида кўриб чиққан адабиётлар этнографик, мемуар, антропологик ва советологик адабиётларининг тўлиқ рўйхати эмас. Қайд этиш жоизки, санаб ўтилган ва тилга олинмаган асарларнинг илмий қиймати бир хил эмас. Айниқса, мафкуравий қарама-қаршилик руҳи билан суғорилган, маълум халқлар ва сиёсий кучларга душманона муносабатда бўлган асарлар ҳам борлигини афсус билан таъкидлаш лозим. Аммо биз Ўрта Осиёда кузатилган эмиграция тарихи бўйича ғарбда яратилган илмий аҳамияти юқори бўлган асарларни қабул қилиш, улардан фойдаланиш билан чекланиб қолмаслигимиз лозим. Бу мавзуда ғарб тарихшунослиги ҳар қанча юқори аҳамиятга эга бўлмасин, бу асарлар маълум сиёсий мақсадларни назарда тутишини эътибордан қочирмаслик керак. Қолаверса мазкур мавзу бўйича ғарб тарихшунослиги ягона манба эмас, ушбу масалада совет даврида ва советлардан мустақилликка эришгандан сўнг маҳаллий муаллифларнинг, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Саудия Арабистонида яратилган асарларини ва яна бир муҳим манбаа муҳожирларнинг ўзлари томонидан ёзилган тарих асарларини ҳам чуқур ўрганиш, уларни ғарб тарихшуносларининг асарлари билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ (REFERENCES)

1. Шамсутдинов Р. “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун Ўрта Осиё республикалари мисолида. Тошкент, Шарқ 2003. 33 бет
2. Хайитов Ш., Собиров Н., Легай А. Хориждаги узбеклар. – Тошкент: Фан, 1992
3. Жалилов С. Бухорийлар киссаси. (Мухорижират тарихидан лавхалар). – Тошкент, 2006;
4. Агзамова Г. Хориждаги узбеклар: ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари.: Фалсафа фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1996. – 116 в
5. Мендикулова Г.М. Исторические судьбы казахской диаспоры. – Алматы: Галым, 1997,
6. Шадманова С.Б. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917-1924 гг. в немецкой и турецкой историографии.: Автореф. Дисс. док.истор.наук. – Ташкент, 2002;
7. Хайитов Ш.А. Ватан, Ватанпарвар, Ватанжудо. –Т.,1992;Его же. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. –Бухоро.2005; его же. Усмон Хўжа Пўлатхужаев – миллий истиқлол курашчиси. – Бухоро,2007; его же. Мухожирлик на шодлик, на гам...-Бухоро, 2008; его же автор. Ўзбек мухожирликлари тарихи (1917-1991й.й.)–Т.,2008.Его же.История узбекской эмиграции XX века. Автореф. Дисс.док.ист.наук.-Т.,2009; Ватан меҳри. – Бухоро,2011;его же. Ўзбек мухожирлигининг истиқлол даври тарихшунослиги (1991-2011й.й.).-Андижон, 2011.
8. Мамараджабов, Б. (2023). САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(S/6).
9. Mamarajabov, B. N. M. O. G. (2023). MARKAZIY OSIYODA ARABLAR BILAN BOG’LIQ IJTIMOIIY QATLAMLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 1048-1052.